

BUYRUQ

«05» 02 2024 y

02 u/2. -sonli

Toshkent sh.

Жамият фаолиятида очик эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни ахборот ресурсларида жойлаштириш ва янгилаб бориш тартибини белгилаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

БУЮРАМАН:

1. “Йўлқурилиш” Акциядорлик Жамияти фаолиятига оид очик эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати (кейинги ўринларда - Рўйхат) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Рўйхатга киритилган маълумотларни расмий веб-сайт, Очик маълумотлар портали ва бошқа ахборот ресурсларига жойлаштиришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:
 - очик эълон қилиниши лозим бўлган ҳар бир маълумот масъул таркибий бўлим томонидан белгиланган шаклда, сифатли ва тўлиқ ишлаб чиқилиб, уларни электрон шаклда Ахборот хизматида тақдим этилади;
 - Ахборот хизматида тақдим этилган барча маълумотлар шу куннинг ўзида масъул таркибий бўлим томонидан “<https://mf.ijro.uz/>” тизимида киритиб борилади;
 - Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси етакчи мутахассиси (М.М.Саломов), Касаба уюшмаси раиси – (А.С.Казакбаевлар) тақдим этилган маълумотларнинг расмий веб-сайт, Очик маълумотлар портали ва қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ахборот ресурсларига белгиланган формат ҳамда ўлчамларда жойлаштирилишини таъминлайди.

3. Масъул таркибий бўлимлар томонидан Рўйхатда кўрсатилган маълумотларни Ахборот хизматига тақдим этишнинг охириги муддати (маълумотларни янгилаб бориш муддати қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгиланган ҳолатлар бундан мустасно) қуйидаги тартибда ҳисобланади:

- доимий (мунтазам) янгилаб бориладиган маълумотлар – бир суткадан кечиктирилмай;

- ҳар ойда янгилаб бориладиган маълумотлар – кейинги ойнинг учинчи санасига қадар;

- ҳар чоракда янгилаб бориладиган маълумотлар – ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар;

- ҳар ярим йилликда (ҳар олти ойлик) янгилаб бориладиган маълумотлар – ҳар олти ой якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар;

- ҳар йиллик (бир йилда бир маротаба) янгилаб бориладиган маълумотлар – ҳар йил якунидан кейинги йилнинг 15-февралга қадар.

4. “Йўлқурилиш” АЖ фаолиятига оид очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг намунавий шакллари тасдиқлансин.

5. Расмий веб-сайт, Очиқ маълумотлар портали ва бошқа ахборот ресурсларини юритиш, маълумотларни очиқликни таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-таомиллар асосида (веб-манзил, формат, ўлчам, шакл ва бошқа талаблар) жойлаштириш (эълон қилиш) ҳамда даврий янгилаб боришга Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси етакчи мутахассиси (М.М.Саломов), Касаба уюшмаси раиси – (А.С.Казакбаевлар) масъул эканлиги қайд этилсин.

6. Рўйхатда кўрсатилган очиқ маълумотларни ишлаб чиқилишига масъул этиб белгиланган таркибий бўлим раҳбар ва ходимлари уларни ўз вақтида, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳамжда, сифатли ва тўлиқ шакллантирилиш ҳамда Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармасига тақдим этилишига масъул ва шахсий жавобгар этиб белгилансин.

7. Маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаган ёки нотўғри маълумот тақдим қилган таркибий тармоқ раҳбар ва ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

8. Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси етакчи мутахассиси (М.М.Саломов), Касаба уюшмаси раиси – (А.С.Казакбаевлар):

- “Йўлқурилиш” АЖнинг очикликни таъминлаш соҳасини доимий мувофиқлаштириб борсин;

- таҳлиллар ва кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида расмий веб-сайтда очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларнинг кўламини кенгайтириш, сифатини ошириш ва долзарблигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда уларни амалга ошириш чораларини кўрсин;

- “Йўлқурилиш” АЖ фаолиятига оид очик маълумотларнинг ишлаб чиқилишига масъул этиб белгиланган таркибий бўлимлар томонидан маълумотларни Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармасига тақдим этиш тартибининг бузилиши ҳолатлари ҳақида муносабат билдириш юзасидан раҳбариятга ўз вақтида таклифларни киритиб борсин.

9. Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси бошлиғи (Х.М.Махмудов) ҳамда Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи (Ж.Ф.Мухиддинов) масъул таркибий бўлимлар томонидан маълумотларни ўз вақтида тақдим этилиши ҳамда <https://mf.ijro.uz> ҳамда <https://yulqurilish.uz> тизимига киритилишини назоратга олиб умумлаштирсин, натижалари бўйича Бошқарув раисига мунтазам ахборот бериб борсин.

10. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.

Бошқарув раиси



Р.Ернийзов

“ТАСДІКЛАЙМАН”

“Йўлқурилиш” АЖ раиси ✓

 Р. Ернийязов

“___” февраль 2024 йилдаги
“___”-сонли буйруғига 1-илова

“Йўлқурилиш” АЖ фаолиятига очик эълон қилганини лозим бўлган иқтимоий аҳамиятга молик маълумотлар

РЎЙХАТИ

№	Эълон қилганини лозим бўлган маълумотлар тоифаси	Маълумот жойлаштиришда динган ахборот ресурслари	Тақдим этиш ва янгилаб бориш муддати*	Ишлаб чиқиш ва эълон қилиш учун масъуллар*	Ижро этилиши устидан назоратини таъминлашга масъул
1.	Ўз фаолиятига оид ҳисобот (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно)	Расмий веб-сайт	Ҳар йили 1-мартга қадар	Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси бошлиғи Х.М.Махмудов, Касаба уюшмаси раиси	Бошқарув раиси Ўринбосари в.в.б — А.А.Аулов





					А.С.Казакбаев		
2.	Ўз феолиятига оид хисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти хақида хабар бериш (ахборот ресурсларида эълон қилиш)	Расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар	Хар йили 10-мартга қадар	Касаба уюшмаси раиси А.С.Казакбаев	Бошқарув раиси Ўринбосари в.в.б — А.А.Аулов		
3.	Ўз феолиятига оид хисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинишига оид ўтказилган матбуот анжуманлари маълумотлари хақидаги маълумотларни эълон қилиш	Расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар	Хар йили 1-апрелга қадар	Касаба уюшмаси раиси А.С.Казакбаев	Бошқарув раиси Ўринбосари в.в.б — А.А.Аулов		
4.	Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни қутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки таширфининг мақсади, сўтқалик пул, транспорт ва янаш билан боғлиқ харажатлар (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотларбундан мустасно).	Очик маълумотлар портали, расмий веб-сайт	Хар йили чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар	Бухгалтерия хисоби хамда МХХС юритиш бошқармаси етакчи мутахассиси — О.А.Тўхтаев	Иктисодиёт, маркетинг ва истикболни белгилаш бошқармаси бошлиги — Д.Ш.Арзикулов, Бошқарув раиси Ўринбосари в.в.б — А.А.Аулов		
5.	Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари хамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан	Расмий веб-сайт	Доимий равишда (бир суткадан	Харидларни ташкиллаштириш, тартибга солиш ва	Корпоратив муносабатлар, активларни		



 Davlat Guliyev
 



	ташқари жамғармалари хисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид эълон қилинишидан камда 6 ой олдин)		кечиктирмай)	шартномалар бўйича бош мутахассис – Б.Б.Юлдашев	бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси бошлиғи – Х.М.Махмудов, Бошқарув раиси ўринбосари в.в.б – А.А.Аулов
6.	Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хуусусиятига эга хужжатларни бериш бўйича ташкил этилган харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор ҳамда комиссия аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими)	Расмий веб-сайт	Домимий равишда (бир суткадан кечиктирмай)	Харидларни ташкиллаштириш, тартибга солиш ва шартномалар бўйича бош мутахассис – Б.Б.Юлдашев	Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси бошлиғи – Х.М.Махмудов, Бошқарув раиси ўринбосари в.в.б – А.А.Аулов
7.	Давлат сирини бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан кўрикланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаган ҳолда тегишлича ўтказилган ҳар бир	Очик маълумотлар портали,	ҳар чорак якунидан кейинги ойнанинг 10-санасига қадар	Бош бухгалтер – А.Н.Ахмедова	Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати

Қаралган:





<p>тафтиш ва текширув (назорат объекти номи, назорат тадбирининг максали ва муддатлари, уни ўтказган давлат хизматчисининг лавозими, фамилияси, исми) тўғрисидаги маълумотлар</p>				<p>бошкармаси бошлиғи – Х.М.Махмудов, Бошқарув раиси ўринбосари в.в.б – А.А.Аулов</p>
<p>8. Устав фондда (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган юридик шахслар ҳамда давлат унитар корхоналари рўйхати (давлат номидан аксиядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини амалга ошираётган ташкилот, корхона худуди, солиқ тўловчининг идентификация раками, давлат улуши тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда), шунингдек, устав фонднинг (устав капиталнинг) 50 фоизи ва ундан ортиги давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар рўйхати</p>	<p>Очик маълумотлар портали,</p>	<p>хар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар</p>	<p>Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва аҳборот хизмати бошқармаси бошлиғи – Х.М.Махмудов</p>	
<p>9. Ўзлари аксиядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги</p>	<p>Очик маълумотлар</p>	<p>хар чорак якунидан кейинги ойнинг</p>	<p>Корпоратив муносабатлар, активларни</p>	<p>Бошқарув раиси ўринбосари в.в.б</p>

	корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар	портали	10-санасига қадар	бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси бошлиғи Х.М.Махмудов	А.А.Аулов
10.	Давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидagi енгил автомобиллар, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар	Очик маълумотлар портали, Расмий веб-сайт	хар чорак якунидан кейинги ойнанинг 10-санасига қадар	Механизациялаштирилш ва энергетика бўлими мутахассиси – механики С.А.Мажидов,	Бошқарув раиси ўринбосари-бош муҳандис в.б.– Ф.С.Ахатов
11.	Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан йил (чорак) якуни бўйича тўланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотлар	Очик маълумотлар портали	хар чорак якунидан кейинги ойнанинг 10-санасига қадар	Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси бошлиғи Х.М.Махмудов	Бошқарув раиси ўринбосари в.б.– А.А.Аулов


Тўғрив





<p>12. Таркибидаги муассасалар рўйхати (ташкил топган санаси)</p>	<p>Очик мъълумотлар портали</p>	<p>хар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига кадар</p>	<p>Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси бошлиги — Х.М.Махмудов</p>	<p>Бошқарув раиси Ўринбосари в.б.— А.А.Аулов</p>
<p>13. Tasdiklangan йиллик харажатлар сметаси билан бир каторда, унинг ижроси, шу жумладан обектларни куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар</p>	<p>Очик мъълумотлар портали, Расмий веб-сайт</p>	<p>хар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига кадар</p>	<p>Механизациялаштир иш ва энергетика бўлими мутахассис — механики — С.А.Мажидов,</p> <p>Бухгалтерия хисоби хамда МХХС юритиш бошқармаси етақчи мутахассиси — О.А.Тўхтаев</p>	<p>Бошқарув раиси Ўринбосари-бош мухандис в.б.— Ф.С.Ахатов</p>
<p>14. Davlat organlari va tashkilotlari tasarrufidagi xizmat avtomototransport vositalari, xizmat uylari va bosqa kўchmas mulklar, kurilishi tugallanmagan obektlar tўғrисидаги маълумотлар</p>	<p>Очик мъълумотлар портали, Расмий веб-сайт</p>	<p>хар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига кадар</p>	<p>Механизациялаштир иш ва энергетика бўлими мутахассис — механики — С.А.Мажидов, Ишлаб чиқариш ва</p>	<p>Бошқарув раиси Ўринбосари-бош мухандис в.б.— Ф.С.Ахатов</p>

Shukur
Tuxtaev

			<p>пудрат ишлари бошкармаси бош мутахассиси – Э.Х.Ақбаров, Ишлаб чиқариш ва пудрат ишлари бошкармаси етакчи мутахассиси – Э.М.Умаров.</p>	
<p>15. Иқтимоий нафақа ва моддий ёрдам олаётган шахслар (14 ёшгача болалари бўлган oilаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган oilаларга моддий ёрдам ҳамда ун ва қоллипи нон харид қилиш бўйича кўшимча</p>	<p>Очиқ малълумотлар портали, Расмий веб-сайт</p>	<p>хар чорак яқунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар</p>	<p>Бош бухгалтер – А.Н.Аҳмедова</p>	<p>Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва аҳборот хизмати бошкармаси бошлиғи – Х.М.Махмудов,</p>

САНЛИРАК
Директор
Тўқтаев



Тоқиев



<p>Харажатларни коллаш учун хар ойлик пулли компенсацияни олаётганлар) хакида ҳамда ишсизлик нафақасини олаётган шахслар (фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси) тўғрисидаги вилоят, туман, шаҳарлар кесимидаги маълумотлар</p>				<p>Бошқарув раиси Ўринбосари в.б.— А.А.Аулов</p>
<p>16. Давлат органи ва ташкилотлари хузурдаги жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари хакидаги маълумотлар билан бир каторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари) ҳамда жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидagi масалага</p>	<p>Расмий веб-сайт</p>	<p>хар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санагига қадар</p>	<p>Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси бошлиғи Х.М.Махмудов</p>	<p>Бошқарув раиси Ўринбосари в.б.— А.А.Аулов</p>
<p>17. Тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно)</p>	<p>Расмий веб-сайт</p>	<p>хар чорак якунидан кейинги ойнинг 15-санагига қадар</p>	<p>Барча бошқарма ҳамда бўлимлар</p>	<p>Бошқарув раиси Ўринбосари в.б.— А.А.Аулов</p>
<p>18. Ўзларининг таркибига кирувчи муассасаларининг номи, фаолият</p>	<p>Расмий веб-сайт</p>	<p>хар чорак якунидан</p>	<p>Корпоратив муносабатлар,</p>	<p>Бошқарув раиси Ўринбосари в.б.—</p>

<p>тури, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар</p>		<p>кейинги ойнинг 10-санасига қадар</p>	<p>активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси бошлиғи Х.М.Махмудов</p> <p>Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис Ш.Арзиқуллова</p>	<p>А.А.Аулов</p>
<p>19. Давлат органлари ва ташқилогларда давлат ташиқлоглариди харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилувчи харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий хужжат)</p>	<p>Расмий веб-сайт</p>	<p>хар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар</p>	<p>Харидларни ташиқлоглаштириш, тартибга солиш ва шартномадар бўйича бош мутахассис Б.Б.Юлдашев</p>	<p>Корпоратив муносабатлар, активларни бошқариш ва ахборот хизмати бошқармаси бошлиғи Х.М.Махмудов, Бошқарув расми ўринбосари в.б.— А.А.Аулов</p>
<p>20. Бўш иш ўринлари (марказий, худудий ва тизим ташиқлоглариди), ишга қабул қилиш шартлари,</p>	<p>Расмий веб-сайт</p>	<p>кейинги ойнинг 5-санасига қадар</p>	<p>Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис</p>	<p>Бошқарув расми ўринбосари в.б.— А.А.Аулов</p>

<p>НОМЗОДЛАРГА КЎЙЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА ТАКДИМ КИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ХУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР</p>			<p>Ш.Арзикулова</p>	
--	--	--	---------------------	--

* Мазкур илованинг тўртинчи устунда кўрсатилган муддатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6247-сон фармонида белгиланган муддатлар бўлиб, маълумотлар ушбу муддатларга мутаносиб равишда тегишли ахборот ресурсларида эълон қилиниши (жойлаштирилиши) лозим. Очик маълумотларни ишлаб чиқишга масъул тармоқлар томонидан белгиланган маълумотларни фармойишнинг 3-бандида кўрсатилган муддатларда Ахборот хизматига тақдим этишлари керак.

* Мазкур иловада кўрсатилган очик маълумотларни ишлаб чиқиш, эълон қилиш ва ижро этилиши устидан назорат қилишга масъул бўлган таркибий тармок ходимлари бошка ишга ўтган тақдирда, ушбу вазифаларини бажаришга ушбу лавозимга янги тайинланган ходимлар масъул ҳисобланади.